

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53409-3.14**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ  
НАЗАРИЯСИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** проф. Хасанов Б. А.,  
к.ўқ. Махмудов А. Н.,  
к.ўқ. Ризаев Н. Қ.

**Тақризчилар:** проф. Вохидов С. В.,  
доц. Маматов З. Т.

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фани бўйича тузилган ушбу намунавий дастур кўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу ўқув фани дастурида жами 6 бўлим мавжуд бўлиб, фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, ДТСга мувофиқ билим ва кўникмалар, амалиёт ва семинар дарслари бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва информацион технологияларни қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, курс иши мавзуларининг рўйхатлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўрғазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материалларнинг рўйхати, талабаларни рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштириш назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Данная программа по предмету "Теория бухгалтерского учета" отвечает на все поставленные требования. Программа состоит из 6 частей. В них содержится следующие сведения:

Цель и задача предмета, связь с остальными предметами, знания и навыки соответствующие СГО, минимальное количество семинаров и практических занятий, применение компьютеров и информационной техники, программа предмета, семинарские занятия, темы курсовых работ, наглядно-показательные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинг системе и список используемой литературы.

The necessity of training of the students to the "Theory of Financial Accounting" consists of the organization of financial accounting in our republic according to the international standards that requires conducting this subject.

The created program of the "Theory of Financial Accounting" subject - completely answers all put requirements. The program consists of 6 parts. They contain the following items:

The purpose and task of a subject, communication with other subjects, knowledge and skills appropriate to the SSE (Standards of State Education), minimum quantity of seminars and practical employment, application of computers and technological

information, program of the subject, seminar lessons, the list of themes of "course works", evident - indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and list of the literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги" Фармонида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари тасдиқланди. (2001 йил 16 август 343-сон). Мазкур стандартлар бўйича ҳар бир ўқитиладиган фанлардан намунавий дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди.

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фани бўйича тузилган ушбу намунавий дастур Давлат таълим стандартлари томонидан қўйилган талаблар асосида тузилган бўлиб, иқтисодиёт йўналишидаги талабалари учун мўлжалланган. Мазкур фан ҳисоб ҳақида тушунча, ҳисобдаги асосий тамойиллар, ҳисобнинг усуллари, молиявий ҳисобнинг таркиби, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва ҳисоб сиёсати ҳақида назарий билимлар беради.

### **Ўқув фанининг мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

Республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши малакали бухгалтерлар, аудиторлар, солиқчи ва молиячи мутахассисларга эҳтиёж туғдиради.

Ўқув режасига мувофиқ бўлғуси бухгалтер ва аудитор мутахассисликлари талабалари "Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанини ўрганади. Хўжалик юритувчи субъектлардаги маблағлар ва маблағларнинг ташкил топиши манбалари ҳаракатини, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш, уларни хужжатлаштириш, умумлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ, молиявий фаолияти

тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли маълумотларни шакллантириш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини республикадаги қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганади.

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фани хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ва молиявий фаолиятини ҳисобга олишда ўзининг усул, услубиятига эга бўлиш билан биргаликда ўз фаолиятини юритишда бошқа фанлар билан бевосита боғлиқлиги боис қуйидаги, бу фанлар ҳам чуқур ўргатилади: "Иқтисодиёт назарияси", "Макроиқтисодиёт", "Микроиқтисодиёт", "Статистика", "Аудит", "Молиявий ҳисоб", "Бошқарув ҳисоби", "Иқтисодий таҳлил", "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Пул, кредит ва банклар", "Менежмент", "Маркетинг", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Суғурта иши", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик". Таълим замонавий усулларда ва компьютерлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **Фан бўйича талабаларнинг билими, укуви ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар**

Мазкур мутахассислик бўйича ўқийдиган талабалар "Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанини чуқур ўрганиши ҳамда етук мутахассис бўлиши учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- ҳуқуқий давлат, демократик фуқаролик жамияти ёшлари, айниқса, бухгалтер, аудитор мутахассислигини эгалловчи талабалар ҳуқуқшунослик, давлат ва жамият қурилиши фанларини чуқур эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини ҳамда қонунларини мукамал ўрганиши;
- миллий ғурурга, юқори маданиятга эга бўлиши, ўзбек халқининг тарихини билиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан, ўзига нисбатан талабчан, ўрганаётган фанига, ўз ватанига фидойи бўлиши керак.

Фанни ўргатишда мутахассислик кафедралар ўқитувчилари талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиши ҳар бир талабанинг билим савияси, шахсий фазилат ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда вазифа бериши ҳамда талаб қилиш санъатига эга бўлиши лозим.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиёт узвийлигига эришмоқ, ўқув жараёнини талабанинг мустақиллигини таъминлайдиган даражада ташкил қилмоқ керак.

## **Фанни ўқитишда компьютер, инфорацион ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш**

Талабаларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- талаба ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароит яратиб бериш;
- талабаларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли талабалар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ташкил қилиш ва ҳ.к.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фани талабаларга ўқув режаси бўйича III семестрда ўқитилади.

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади.

Эгалланган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун хўжалик юритувчи субъектларда амалиёт ўтайдилар. Ўқув жараёнида ўзлаштириш даражаси ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади, шунингдек назоратнинг оғзаки ва ёзма усуллари ҳам қўлланилади.

### **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми**

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанини ўрганиш бўйича ўқув режасида жами 54 соат белгиланган. Шундан: маъруза 18 соат, амалий машғулот 18 соат, мустақил таълим 18 соат.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг намунавий мавзулари**

**"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанининг предмети ва методи ҳамда тадқиқот усуллари**

*Хўжалик* ҳисоби тўғрисида умумий тушунча ва унга қўйиладиган талаблар. *Хўжалик* ҳисобининг турлари, ҳисобда қўлланиладиган ўлчов бирликлари. *Хўжалик* ҳисоби тизимининг яхлитлиги. Ҳисоботнинг назорат қилиш функциялари ва *иқтисодий баҳолашда ўзаро боғлиқлиги*. *Бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва*

*объектлари.* Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобидаги ислохотлар.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва унинг муҳим объектлари, хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини туркумлаш, хўжалик жараёнлари ва хўжалик муомалалари тўғрисида тушунча, бухгалтерия ҳисоби объектларининг тармоқлар хусусияти ва мулкчиликнинг шаклларига боғлиқлиги, бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва унинг элементлари.

### **Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни**

*Бухгалтерия балансининг тузилиши, унинг мазмуни ва аҳамияти.* Балансни ўқиш тартиби. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Республикамиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик. *Ҳисоб сиёсатида* балансни ёритиб бериш тартиби. Балансга тегишли бўлган молиявий ҳисобот элементлари.

### **Ҳисоблар тизими ва иккиёқлама ёзув**

*Бухгалтерия ҳисоби ҳисоблари, уларнинг тузилиши, иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши.* Счётларни иқтисодий мазмуни, таркиби ва тайинланиши бўйича туркумланиши. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими ва унинг аҳамияти. *Доимий ва вақтинчалик счётлар.* Тартибга солувчи, балансдан ташқари, жорий, контрар-актив ва контрар-пассив ҳисоблар, Кетма-кет (хронологик) ва тизимли (системали) ёзувлар. Баланс ва счётларнинг ўзаро боғлиқлиги. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.

### **Баҳолаш ва калькуляция**

*Қиймат кўрсаткичининг моҳияти.* Баҳолаш – бу пулда ўлчаш услуги эканлиги. Баҳолашнинг асосий тамойиллари. Бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконтланган қиймат, баланс қиймат. Калькуляция мақсади ва вазифалари. Калькуляция турлари: смета, режали, норматив, ҳисобот.

### **Асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг тамойиллари**

Хўжалик жараёнларининг асосий кўрсаткичлари. *Таъминот жараёнининг ҳисоби. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби. Сотиш жараёнининг ҳисоби. Истъемол жараёнининг ҳисоби.*

## **Хужжатлаштириш ва инвентаризация**

*Хужжатлаштириш ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобида хужжатларининг роли ва аҳамияти. Хужжатларга ёзувлар қилиш ва уларни расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар. Хужжатларнинг айланишини ташкил этиш. Инвентаризация тўғрисида тушунча, унинг аҳамияти ва турлари. "Инвентаризацияни ташкил этиш ва уни ўтказиш" номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС 19-сон)га мувофиқ хўжалик субъектларида инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш тартиби. Инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисобларида акс эттирилиши.*

## **Бухгалтерия ҳисобининг шакллари**

*Ҳисоб регистрлари, уларни бухгалтерия ҳисобидаги роли ва аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтернинг автоматлаштирилган иш жойи ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли (1:С бухгалтерия).*

## **Ҳисобот**

*Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ҳақида тушунча, унинг аҳамияти ва моҳияти. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг таркиби ва турлари. Ҳисобот шакллари тузилиш тамойиллари: ҳисоблаш, иккиёқлама ёзув, мазмуннинг шаклдан устунлиги, оффсеттинг, ишонччилик, кўрсаткичларнинг таққосланувчанлиги, молиявий ҳисоботларнинг бетарафлиги, актив ва мажбуриятларнинг соф баҳоси, ўз вақтидалик. Бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл), пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл), хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл), ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар ва маълумотлар. Йиллик (чорак, ярим йиллик) ҳисоботларни тузиш, уларни тўлдириш ва тақдим этиш тартиби. Йиғма бухгалтерия ҳисоботи. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари (БҲМС асосида).*

## **Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш**

*Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни ва унинг аҳамияти. Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва функциялари. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари. Бош бухгалтернинг бурчи, ҳуқуқи ва жавобгарлиги. Бухгалтерия аппарати, унинг тузилиши ва*

вазифалари. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Корхоналарда ҳисоб сиёсати. Марказлашган ва марказлашмаган ҳисоб ҳақида тушунча. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари.

### **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанининг предмети ва методи ҳамда тадқиқот усуллари**

Хўжалик ҳисобининг турлари, ҳисобда қўлланиладиган ўлчов бирликлари. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Ҳисоботнинг назорат қилиш функциялари ва иқтисодий баҳолашда ўзаро боғлиқлиги. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари.\*

Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва унинг муҳим объектлари. Хўжалик жараёнлари ва хўжалик муомалалари тўғрисида тушунча. Бухгалтери ҳисоби объектларининг тармоқлар хусусияти ва мулкчиликнинг шаклларига боғлиқлиги.

#### **Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни**

Баланс моддалари. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Ҳисоб сиёсатида балансни ёритиб бериш тартиби. Балансга тегишли бўлган молиявий ҳисобот элементлари бўйича ишлаб чиқариш.

#### **Счётлар тизими ва иккиёқлама ёзув**

Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши, иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими ва унинг аҳамияти, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш. Асосий счётлар ва тартибга солувчи счётлар, тақсимловчи счётлар, таққословчи счётлар, балансдан ташқари счётлар. Баланс ва счётларнинг ўзаро боғлиқлиги.\*

#### **Баҳолаш ва калькуляция**

Баҳолаш – бу пулда ўлчаш услуби эканлиги. Бошланғич қиймат, қолдик қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконтланган қиймат, баланс қиймати. Калькуляциянинг мақсади ва вазифалари.\* Калькуляцияни турлари: смета, режали, норматив, ҳисобот калькуляцияси.



## **Асосий хўжалик жараёнлари ҳисоби тамойиллари**

Хўжалик жараёнларининг асосий кўрсаткичлари. Таъминот жараёнининг ҳисоби.\* Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби.\* Сотиш жараёнининг ҳисоби.\* Истеъмол жараёнининг ҳисоби.

## **Хужжатлаштириш ва инвентаризация**

Хужжатлаштириш ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобида хужжатларнинг роли ва аҳамияти. Бухгалтерия хужжатларининг турлари, уларни туркумлаш, хужжатларнинг реквизитлари.\* Хужжатларнинг айланишини ташкил этиш. Инвентаризация тўғрисида тушунча, унинг аҳамияти ва турлари. Хўжалик субъектларида инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш тартиби.\* Инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилишига оид корхона маълумотлари.

## **Бухгалтерия ҳисобининг шакллари**

Бухгалтерия ҳисобининг шакллари уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли.\* Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли.

## **Ҳисобот**

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг таркиби ва турлари.\* Ҳисобот шакллари тузилиш тамойиллари. Бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл), пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл), хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл), ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар ва маълумотлар. Йиғма бухгалтерия ҳисоботи.

## **Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни ва унинг аҳамияти.\* Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва функциялари. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари. Бухгалтерия аппарати, уларнинг тузилиши ва вазифалари. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлар асосида ташкил этиш.

#### **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Талабалар амалий ёрдам тариқасида "Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фани бўйича қўлланиладиган турли хил шакл, чизмалар, слайдалар билан таъминланади. Унда: Баланс ва унинг тузилиши; Баҳолаш тамойиллари; Калькуляция усуллари; Счётлар режаси; Ҳисоботларни тузиш тартиби; ҳужжатларнинг туркумланиши ўрганилади.

Талабалар "Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан ҳам кенг фойдаланади:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board);
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office);
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);
5. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants);
6. <http://www.uza.uz> (Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари);
7. <http://www.uzreport.com> (Кундалик бизнес янгиликлари);
8. <http://www.referat.ru> (Рефератлар тўплами).

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавси этилади.

#### **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;

- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали курулларни тайёрлаш.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини яқуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар куйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";
- 55 - 70 фоиз "қониқарли";
- 55 фоиздан кам "қониқарсиз".

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Адолат, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ни Қонуни. 1996 йил 12 сентябрь // "Халқ сўзи" газетаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом. 1999 йил 5 февраль, 54-сонли қарори.
4. Молиявий ҳисоб, - Т.: КАРАНА ва ПРАГМА корпорациялари, 2000-2001.
5. Остоноқулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси, - Т.: Ўқитувчи, 1993.
6. Хасанов Б., Бобобеков Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси., методик қўлланма. Т.М.И. - 2000.
7. Қодирхонов С.Б ва бошқалар. Бухгалтерия назарияси бўйича масалалар тўплами. Т.Д.И.У - 1996.
8. Янги счётлар режаси. Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси - 2002.
9. Юлдашев С., Хошимов Б., Мухаммад Салим. Основы бухгалтерского учета. Т.Д.И.У -1997.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д, Принципы бухгалтерского учета, (под. Ред. В. Соколова), - М.: ФиС, 1994.

2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.
3. Вуд Ф. Бухгалтерский учет для предпринимателей. - М.: ФиС, 1993.
4. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, - Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. - Мн: Экоперспектива, 1998.
6. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности, - М.: УРСС, 2001.
7. Сотиволдиев А., Иткин Ю, Замонавий бухгалтерия ҳисоби, Т.: Бва АА-2002 , 1 ва 2-томлар.
8. Хасанов Б., Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанидан маъруза матнлари, ТМИ - 2001.
9. Ғуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. - Т.: Мир экономики и права, 2000.
10. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions,1996.
11. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
12. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington-2000.
13. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE.- Istanbul-1999.
14. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comission.-1999.
15. Cost accounting (a managerial emphasis) / USA. Mexico. Or Canada. 2001.
16. Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada. 2001.